

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА**
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА**
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ

ТУЛЯГАНОВА ВАСИЛА СУНАТИЛЛАЕВНА

МАШИНАСОЗЛИК УЧУН ЭЛЕКТРОКЕРАМИКА КОМПОЗИЦИОН
МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ТАРКИБИ ВА
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

02.00.07- Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
05.02.01 –Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик
ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(техника фанлари)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (DSc)

Туляганова Васи́ла Сунатиллаевна

Машинасозлик учун электрокерамика композицион материалларининг самарали таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Туляганова Васи́ла Сунатиллаевна

Разработка эффективных составов и технология получения электрокерамических композиционных материалов машиностроительного назначения.....26

Tulyaganova Vasila Sunatillaevna

Development of effective compositions and technology for producing electro-ceramic composite materials for machine-building purposes.....48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works52

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

ТУЛЯГАНОВА ВАСИЛА СУНАТИЛЛАЕВНА

**МАШИНАСОЗЛИК УЧУН ЭЛЕКТРОКЕРАМИКА КОМПОЗИЦИОН
МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ САМАРАЛИ ТАРКИБИ ВА
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.07- Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик
ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(техника фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.DSc/Т462 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараккиёт» давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.gupft.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Негматов Сайибжан Садикович –
ЎзР ФА академиги т.ф.д., профессор

Абдуллаева Раиса Исматовна - техника
фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Талипов Нигматилла Хамидович -
техника фанлари доктори, катта илмий
ходим

Кадырова Зулайхо Раимовна – кимё
фанлари доктори, профессор

Тураходжаев Нодир Джахонгирович -
техника фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараккиёт» давлат унитар корхонаси ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.КТ.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг «18» декабрь 2021 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Мирзо-Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; Факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan_va_taraqqiyot@mail.ru, «Фан ва тараккиёт» ДУК, 2-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараккиёт» давлат унитар корхонасининг Ахборот-ресурс марказида (рўйхатга олинган №31-21) танишиб чиқиш мумкин. (Манзил: Тошкент ш., Мирзо-Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (99871) 246-39-28; Факс: (99871) 227-12-73).

Диссертация автореферати «б» декабрь 2021 йилда юборилди.
(2021 йил 25 ноябрдаги № 31-21 рақамли реестр баённомаси).


Т.О. Камолов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д.


М.Э. Икратова
Илмий даражалар бериш бўйича
илмий кенгаш котиби, к.ф.н., к.и.х.


А.М. Эминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда электрокерамика материаллари энергетика, кимё, металлургия, машинасозлик, радиотехника ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Шу жиҳатдан электрокерамика материаллари ва улардан тайёрланган маҳсулотларга талаб бир неча баробар ортган. Электрокерамика материаллари ва улар асосидаги буюмларни ишлаб чиқаришнинг самарали таркиблари ва технологик жараёнларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларни электротехника ва машинасозликда машина ва механизмларида қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда саноатнинг электрокерамика ва машинасозлик соҳаларида қўлланилиши мумкин бўлган, физик-механик ва электризацияцион хусусиятларга эга бўлган, экологик ва кимёвий жиҳатдан тоза маҳсулотларни олиш имконини берувчи минерал хомашё ва саноат чиқиндиларини қайта ишлашнинг тежамкор усулларини яратиш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада электрокерамика композицион материалларни олиш усулларини ишлаб чиқиш, тальк минераллари асосида электроизоляцияцион хоссага эга бўлган электрокерамика материалларининг турлари ва самарали таркибларини олиш ҳамда ресурс тежамкор технологияларини яратиш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикада маҳаллий хомашёлар асосида композицион электрокерамика материалларини тадқиқ этиш ва яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси дастурида «...инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини рағбатлантириш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада жумладан, маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан электрокерамика материалларини олиш усулларини яратиш, уларга иссиқлик билан ишлов бериш ва механик фаоллаштириш жараёнини ўрганиш, электрокерамика материаллари ва улардан маҳсулотлар олишнинг самарали таркиблари ва энергия-тежамкор технологияларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги №ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»даги, 2019 йил 24 августдаги №ПҚ-4426-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналишларидаги ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги № ПФ-4947-сонли Фармони

жорий этиш бўйича масъулиятини янада ошириш тўғрисида» ги, 2020-йил 15-мартдаги №ПҚ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон-2030» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технология ва нанотехнология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Электрокерамика ва машинасозлик соҳаларидаги илмий тадқиқотларга ва саноат чиқиндиларини комплекс қайта ишлаш асосида янги электрокерамика композицион материаллар яратиш технологиясини ишлаб чиқаришга йўналтирилган тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан «Электрокерамика» илмий-тадқиқот маркази, (Польша), Электрон материаллар институти (Арманистон), Материалшунослик миллий институти (НИМС) (Япония), Шимолий Каролина Давлат университети (АҚШ), Technische Universität Darmstadt, (Германия), «Электрокерамик» илмий-тадқиқот маркази, Бутуниттифок электрокерамика илмий-тадқиқот ва технологик-лойиҳа институти (ВНИИЕК) (Россия), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти, Тошкент кимё-технология институти ва Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда саноат чиқиндиларини қайта ишлаб янги композицион материаллар яратиш ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда мавжуд технологияларни такомиллаштиришга оид олиб борилган тадқиқотлар бўйича бир қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан: тальк асосида электрокремика композицион материалларнинг самарали таркиби ва улар асосида керамик изоляторларнинг тайёрлаш усуллари ишлаб чиқилган («Электрокерамика» илмий-тадқиқот маркази, Польша). Ҳозирда тупроқ, доломит ва каолиндан фойдаланиш бўйича (Бутуниттифок электрокерамика илмий-тадқиқот ва технологик-лойиҳа институти (ВНИИЕК), Россия ва Материалшунослик институти, Technische Universität Darmstadt, Германия каби муассасаларда) кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Керамика ва электрокерамика материаллари соҳасида қуйидаги таниқли олимлар ўзларининг маълум хиссаларини кўшганлар: А.И. Августиник, Г.Н. Масленникова, Г.А. Выдрик, Х.О. Гевоян, И.А. Булавин, П.П. Будников, Ф.Я. Харитонов, Н.С. Костюков, Н. Schneider, А.К. Chakraborty, W.C. Weil, К.Х. Schuller, В. Эйтель, Е.Ф.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: https://www.tu-darmstadt.de/http://icimb.pl/icimb_ru/science/research-and-development-works, <https://dic.academic.ru/dic.nsf/bse/153712>, <https://www.citywalls.ru/house13893.html>, <https://eltechceram.ru/about>, <https://www.researchgate.net/publication> ва бошқа манбаалар.

Полукэктова, И.Х. Мороз, Ж.А. Выдрин, V. Vouillement, В.И. Верещагин, С.Е. Берецева, С.А. Суворов, Ito Akio, J.J. Blanc, С. Roumezi, А.Э. Энглунд, Н.Н. Murray, В.А. Карманов, В.П. Паничев, Ф.Х. Таджиев, Н.А. Сирождинов, А.Х. Исмаилов, А.П. Эркаходжаева, И. Азимов, Р.И. Абдуллаева, А.М. Эминов, ва бошқалар.

Мавжуд ишларни таҳлил қилиш асосида шуни таъкидлаш керакки, электрокерамика материаллар хомашёси, электрофизик ва бошқа эксплуатацион хусусиятларини ўрганиш бўйича маълумотлар ва тадқиқотлар етарли эмас ва айниқса, тальк асосидаги электрокерамика материаллар ва улардан ясалган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотлар батафсил ёритилмаган. Бу эса хомашёларнинг янги турларини излаш ва улардан электркерамика буюмлари, жумладан аппарат изоляторлари, ёндирувчи изоляторлари, паст кучланишли конденсаторлар, юқори ҳароратларда, вакуумда, агрессив муҳит ва бошқаларда ишлайдиган изоляторлар ишлаб чиқаришда қўллаш имкониятларини ўрганиш заруратини туғдиради. Диссертация иши ушбу муаммоларни ҳал қилишга бағишланган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган илмий- тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ амалий А-12-013 «Маҳаллий минерал хомашёлар асосида электротехника ва радиотехника саноати учун импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган электрокерамика композицион материаллар ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2012-2014гг.) ва инновацион ИОТ-2015-7-6 «Маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида композицион электрокерамик материалларни самарали олиш технологиясини ўзлаштириш» (2015-2016гг.) мавзуларидаги лойиҳлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади машинасозлик учун электрокерамика композицион материалларининг самарали таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий хомашёларнинг кимё-минералогик таркибини, технологик хоссаларини, киздириш жараёнида содир бўладиган фаза ўзгаришларини комплекс ўрганиш;

хомашёларни иссиқлик билан ишлов бериш ва механик фаоллаштириш жараёнини ўрганиш;

ўрганилаётган хомашёларнинг физик-механик ва технологик хоссаларига, пишиш жараёнларига, электрокерамика массаларининг фазавий таркиби ва структура шаклланишига ҳароратнинг таъсирини ўрганиш;

маҳаллий хомашёлар ва шолени қайта ишлаш саноати кремнеземли чиқиндилари асосида электрокерамика композицияларининг таркибларни ишлаб чиқиш ва керамик–технологик ҳамда диэлектрик хоссаларини ўрганиш;

махаллий хомашёлар ва кремнеземли саноат чиқиндилари асосида электроизоляция керамик композицияларининг пишиш ҳароратига боғлиқ ҳолда фаза таркибини, микроструктурасини ҳамда фаза ҳосил бўлиш жараёни механизмини аниқлаш;

электркерамик композициясини керамик-технологик ва диэлектрик хоссаларига фаза таркибининг таъсирини, диэлектрик хоссаларининг пишиш ҳарорати ва электр майдони частотасига боғлиқлигини ўрганиш;

махаллий хомашёлар ва кремнеземли саноат чиқиндиси (гуручнинг қобиғидан олинган кремнезем) асосида электрокерамика композициясини самарали ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, технологик регламентини ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришда синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тальк, лейкократли гранит, доломит, бентонит, каолин ва гуручнинг қобиғидан ҳосил бўладиган кремнеземли чиқинди (шолини қайта ишлаш саноат чиқиндиси) олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб маҳаллий хом ашёлар ва шолини қайта ишлаш саноати чиқиндиси асосида электрокерамика композицион материалларининг самарали таркиби, хом ашёларнинг кимёвий-минералогик, гранулометриқ таркиби, уларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссалари ҳамда керамик-технологик ва диэлектрик хоссаларини ўрганиш ва улар асосида электроизоляция материаллар олиш, шунингдек қўлланиш самарадорлигини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда рентгенографик, петрографик, электрон-микроскопик, дифференциал-термик таҳлил усуллари ва қабул қилинган стандарт усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тальк асосида электрокерамик композицион материалларни ишлаб чиқариш технологиясининг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилган;

дастлабки хомашёларнинг кимёвий ва минералогик таркиби ва хоссаларига қараб, уларнинг электрокерамика композицияларини ишлаб чиқаришда қўллаш мумкинлиги аниқланган;

физик-кимёвий текширишлар натижасида маҳаллий хомашёлар асосида электркерамик композиция таркибида микроструктураси шаклланишининг ўзига хослиги ва фаза таркиби аниқланди, бунда асосан стеатит ва кордиерит микдорининг юқорилиги, муллит, кристобалит, кварц ва шишасимон фазанинг мавжудлиги асосланган;

механик фаоллаштирилган маҳаллий хомашё ва иккиламчи ресурслар асосида хоссалари яхшиланган электрокерамика композицион материалларнинг самарали таркиблари ишлаб чиқилди ва уларнинг электр изоляция буюмлар ишлаб чиқаришда яроқлилиги аниқланган;

композиция массаларни пиширишда фаза ҳосил бўлиш жараёнининг қонуниятлари ҳамда янги ҳосил бўлган минералларнинг ҳажм бўйича тарқалиш характери аниқланган;

фаза ҳосил бўлиш жараёнининг ва шишасимон фазанинг керамик-технологик ва диэлектрик хоссаларига таъсир қилиш механизми ишлаб чиқилган;

электрокерамик композицион намуналарнинг керамика-технологик ва диэлектрик хоссаларининг ҳароратга боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашёлар ва шолени қайта ишлаш саноати чиқиндилари асосида электростанцияларда юқори ва паст вольтли кучланишга эга электр тармоқларида ишлатиладиган стеатитли электрокерамика композицион материалларнинг самарали таркиби ишлаб чиқилган ва уларни олиш технологияси яратилган;

маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида машинасозликда ишлатиладиган импорт ўрнини босувчи кордиеритли электрокерамик композицион материалларнинг оптимал таркиби аниқланган ва олиш технологияси ишлаб чиқилган ҳамда электрокремика композицион материаллар ва улардан электр изоляцион маҳсулотлар олиш учун технологик регламенти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган физик-кимёвий (петрографик, рентгенфаза, дифференциал-термик, ИҚ-спектроскопия, оптик микроскопия ва кимёвий таҳлиллар) ҳамда барча физик-механик усуллар билан асосланган. Электрокерамика композицион материалларнинг керамик-технологик ва диэлектрик хоссаларини аниқлаш натижалари математик-статистик усулида қайта ишланганлиги ва ишлаб чиқаришда қўлланганлиги билан изоҳланади.

Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндисини механик фаоллаштириш ва иссиқлик билан ишлов бериш ҳамда маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосида композицион материалнинг микроструктураси ва фаза таркибини шакллантириш механизми, фаза ҳосил бўлиш жараёнининг керамик-технологик ва диэлектрик хоссаларига боғлиқлик қонуниятларини ўрнатиш орқали электрокерамика композицион материалларнинг самарали таркибларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан фойдаланиш ва паст пишириш ҳароратида юқори электр изоляцион кўрсаткичларига эга бўлган композицион электрокерамика буюмларини яратиш ҳамда уларни электр тармоқлари, электротехника ва машинасозликда қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Машинасозлик учун электрокерамика композицион материалларининг самарали таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

ишлаб чиқилган электрокерамик композицион материалларнинг самарали таркиблари «Олмалик КМК» АЖ «НМваҚҚ» ИИЧБда жорий этилган («Олмалик КМК» АЖнинг 2021 йил 24 ноябрдаги ХА-009604-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган электрокерамика

материалларининг физик-механик ва электроизоляция хусусиятлари яхшиланган яъни механик мустаҳкамлиги 30% га ва электрик мустаҳкамлигини 8,0% ошириш имконини берган;

талък, лейкократли гранит, доломит, бентонит, каолин ва кремнеземли чиқинди асосида ишлаб чиқилган электрокремик композицияларнинг мақбул таркиблари «Олмалиқ КМК» АЖ «НМваҚҚ» ИИЧБда жорий этилган («Олмалиқ КМК» АЖнинг 2021 йил 24 ноябрдаги ХА-009604-сон маълумотномаси). Натижада, пишиш хароратини эталонга нисбатан 50 °С га камайиши, ёнилғи энергетик ресурсларини тежаш ва тайёр маҳсулот таннархини 22%га пасайтириш имконини берган;

яратилган самарали ишлаб чиқариш технологияси «Олмалиқ КМК» АЖ «НМваҚҚ» ИИЧБда жорий этилган («Олмалиқ КМК» АЖнинг 2021 йил 24 ноябрдаги ХА-009604-сон маълумотномаси). Натижада, органик пластификаторлар ўрнига сувдан фойдаланилиб, газ ва сувли ҳамда қаттиқ чиқиндиларни ҳосил қилмайдиган экологик тоза ишлаб чиқариш технологиясини олиш ва «Олмалиқ КМК» АЖнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 179 бетни ташкил этган.

ИШНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш келтирилган, натижаларнинг апробацияси, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Турли саноат тармоқларида ишлатиладиган электрокерамика материалларини олишнинг ҳозирги ҳолати» деб номланган диссертациянинг биринчи бобида электротехника ва машинасозликда соҳаларида физик-кимёвий тадқиқотларнинг замонавий ҳолати, электрокерамика саноатининг хомашё базаси ҳақида, талък асосидаги электркерамик композицияси таркибида хомашёларни ишлатишнинг

такомиллашуви, фаза ҳосил бўлиш жараёнини физик-кимёвий асослари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Адабиётларга танқидий ёндашиб, маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида электркерамик композициясини самарали таркиби ва технологиясини яратиш борасидаги тадқиқотнинг асосий йўналишлари аниқланди.

Диссертациянинг «**Объектларни танлаш ва композицион электркерамика материалларни олиш ва физик-механик ва диэлектрик хоссаларини тадқиқот ўтказиш усуллари**» деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида тажриба тадқиқотларини ўтказиш учун объектлар танлаш баён қилинган ва ҳар томонлама асосланган. Электркерамика композицион материаллари ва улардан маҳсулотларини олиш ва керамик-технологик ҳамда диэлектрик хоссаларини аниқлаш усуллари, шунингдек, натижаларни математик-статистик қайта ишлаш натижалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Дастлабки маҳаллий хомашёларининг кимёвий ва минералогик таркиби ва хоссаларини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида электркерамик композицион материаллар ишлаб чиқариш учун маҳаллий ва иккиламчи хомашёларнинг кимёвий-минералогик таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари акс эттирилган. Диссертация иши электркерамика материалларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган маҳаллий хомашёлар тальк, доломит, лейкократли гранит, бентонитнинг янги манбааларини ўрганишга бағишланган. Бундай хомашёларнинг қатламлари республикада жуда кўп. Тальк магнезитли электркерамика материалларнинг асосий компоненти ҳисобланади. Ўзбекистонда Қорақалпоғистоннинг Султонуйздаг конида улкан захирага эга тальк конлари мавжуд, географик характеристикалари геолог- олимлар томонидан ўрганилиб, захиралари Давлат захиралари қўмитаси томонидан тасдиқланган.

Петрографик таҳлил натижалари кўрсатдики, талькнинг асосий минерали магнезитдан, қўшимча сифатида кальцит, кварц, дала шпатилари ва бошқалардан ташкил топган. Магнезит юпқа кристалл структурага эга, кристаллари шаффоф, рангсиз, доначалари чўзилган формада, синиш кўрсаткичлари $N_q = 1,699$; $N_p = 1,509$ тенг. Қорақалпоқ тальки яшил-кулранг бўлиб, унинг кимёвий таркиби 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Қорақалпоқ талькининг кимёвий таркиби

Таркиб	К.Й.	Оксидларнинг миқдори, масс.%								
		SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	TiO ₂	SO ₃	Na ₂ O	K ₂ O
Тальк	13,03	38,06	7,69	7,95	4,2	27,35	-	-	0,57	0,18

Кимёвий текшириш натижалари шуни кўрсатдики, талькда магний оксидининг 27,35% гача борлиги билан характерланади ва талькнинг оловга бардошлиги 1570°С тенг.

Талькнинг фаза ўзгаришини хароратга боғлиқлиги ренгенфазавий таҳлил ёрдамида ўрганилди. Ренгенограммадан шуни аниқлаш мумкинки, куйдирилган тальк магний метасиликати, магний ортосиликати ва темир хлорит кристалл фазаларидан иборат. Магний метасиликати қатлам оралиғида чўққилари $d/n = 0,924; 0,462; 0,328; 0,316; 0,297; 0,288; 0,254$ нм, магний ортосиликати чўққилари $d/n = 0,1065; 0,336; 0,193$ нм ва темир хлорити чўққилари $d/n = 0,1354; 0,712; 0,478; 0,356; 0,285$ нм билан характерланади.

Петрографик таҳлил натижасида намунадаги магний ортосиликати ёруғликни синдириш кўстакичлари: $N_g=1,667$ ва $N_p=1,635$, магний метасиликати $N_g=1,657$ ва $N_p=1,640$ иборат эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, ўрганилаётган тальк асосан магний гидросиликатидан, магнезитдан иборат, унда қолдиқ (кўшимчалар) кўринишда кальцит, кварц, дала шпати ва бошқалар бор. Қиздириш вақтида тальк сувсизланади, ва яна харорат кўтарилиши натижасида магний метасиликати ҳосил бўлади.

Талькни текшириш натижаларини таҳлил қилиб, шундай хулоса қилиш мумкин, тальк электрокерамик материалларини пишириш вақтида жараёнларни тезлигини ва механизмини бошқариб туради, материални мустаҳкамлигини оширишга ёрдам беради.

Каттақўрғон бентонити ўзининг физик-кимёвий хоссалари ва захираларининг кўплиги нуқтаи назари билан, уни ўрганиш ўзида катта қизиқиш уйғотади. Зокиров М.З. ва бошқалар тупроқни ҳар томонлама ва батафсил ўрганишган. Текширилаётган бентонитни минералогик таркибини электрон-микроскопик, петрографик ва рентгенграфик методлари ёрдамида ўрганилди.


Ўтказилган таҳлил асосида бентонит монтмориллонит тупроғидан иборатлиги, сувда тез бўкиши ва тез майдаланиши билан характерланиши, унинг таркибида 50-57% монтмориллонит, 30-36% гидрослюдадар, 8-9% каолинит борлиги аниқланди. Қолдиқ холида эса кварц, микроклин кўринишидаги дала шпати, кальцит, турмалин ва сфен учрайди. Бентонитнинг пишиш харорати -1000°С, паст хароратда деформацияланади ва 1150°С да жипслашади, пишиш холатининг оралиғи 50°С. Оловга бардошлиги ва қийин эрийдиган тупроқга нисбатан, термик ишлов беришда бентонитнинг муллит ҳосил бўлиш жараёни паст хароратда (1150°С) бошланади. Шунинг учун уни электрокерамика структурасидаги кристалл фаза муллит ҳосил бўлишига интилувчи эрувчан деб қараш мумкин.

Бентонит яхши боғловчи ва қовушқоқлик қобилятига эга бўлгани учун, электрокерамик материалнинг оловга бардошли ва боғловчи компонент ўрнини босувчи сифатида ўзига нисбатан катта қизиқиш уйғотади. Ижобий кўрсаткичларга эга бўлган бентонитдан оловга бардошли

тупрок ўрнида фойдаланиш хомашё базасининг кенгайишига ва маҳсулотнинг таннархини пасайишига олиб келади.

Ушбу ишда биз Самарқанд вилоятининг «Высотное» конидан олинадиган лейкократли гранитни электрокерамика композицион материаллар ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкониятини аниқлаш мақсадида танлаб олдик.

Микроскоп тахлили натижасида лейкократли гранитнинг тузилиши йирик кристалл ва йирик донали эканлиги аниқланди. Тоғ жинсларининг асосий таркибий қисмлари дала шпати ва кварцдир. Дала шпати калийли дала шпати ва плагиоклаз билан ифодаланadi. Калийли дала шпати аниқ панжарали тузилишга эга бўлган микроклинли доналардан ҳосил бўлади, донанинг ўлчами 20-55 мкм. Синиш кўрсаткичлари $N_p=1,518$; $N_q=1,525$. Плагиоклаз рангсиз, ўлчами 40 дан 60 мкм гача, синиши кўрсаткичлари $N_g=1,537$; $N_p=1,526$. Кварц доналари йирик, рангсиз, тартибсиз, синдириш кўрсаткичлари: $N_e=1,552$; $N_o=1,540$. Тўқ рангли минералларнинг лейкократли гранитда $N_p=1,603$ бўлган биотит $N_q=1,618$. 1-расмда лейкократовий гранитнинг рентген нурланишининг дифраксион схемаси кўрсатилган, бу расмдан кўришиб турибдики, лейкократли гранитнинг ўрганилаётган намунаси кварц, микроклин, албитдан иборат.




**1-расм. Лейкократли
гранитнинг
рентгенограммаси**

Бунда: O- кварц, Δ- микроклин,
□- микроклин ва альбит

Шундай қилиб, «Высотное» лейкократли гранит электроизолятор ишлаб чиқаришда ишлатиладиган пегматитлардан кимёвий таркиби билан бирмунча фарқ қилади. Минералогик таркибдаги фарқлар ҳам мавжуд, яъни лейкократли гранитдаги эркин кварц ва натрийли дала шпатынинг таркиби пегматитдан кўпроқдир.

Самарқанд вилояти «Сыпки» конидаги доломитнинг тавсифловчи геологик томонини геологлар А.О.Мирзаев, Х.Чинникуловлар томонидан ўрганилган, уларнинг маълумотларига кўра, доломитнинг захираси етарли. Доломитнинг кимёвий ва минералогик таркиби физик-кимёвий тадқиқот усуллари - кимёвий, иссиқлик, рентген нурлари дифраксияси, электрон-микроскопик тахлиллари билан ўрганилган.

2-расмда доломитнинг дериватограммаси кўрсатилган, бу ерда доломитнинг магний ва калций қисмларининг диссоциациясига мос келадиган 650 ва 880⁰С ҳароратларда икки томонлама эндотермик таъсир қайд этилади.



2-расм. «Сыпки» кони доломитининг дериватограммаси

Доломитнинг магний қисмининг эндотермик чўққиси 580⁰С, калцийники эса 900⁰С ҳароратга тўғри келади.

Электрон микрографияда натрий хлорид ва магний сульфат кристаллари мавжудлиги аниқланди, кристаллар деярли бир хил ўлчамдаги 15-20 микронга эга.

Иккинчи гуруҳдаги «Сыпки» конларининг ўрганилган доломити калций ва магний оксидлари таркибига кўра бой компонент бўлган иккинчиси оксидларнинг асосий таркибий қисмларидир, электрокерамика материалларини ишлаб чиқаришнинг физик-техник асосларини ишлаб чиқиш учун ҳам амалий, ҳам назарий аҳамиятга эга.

Турли хил ишлаб чиқариш чиқиндилари - иккиламчи хомашёлардан фойдаланиш, табиий минерал хомашё ресурсларининг иқтисодий самарасини оширади, бу эса керамика саноати хомашё базаларини кенгайтишига олиб келади. Ҳар йили Ўзбекистон буйича 30-35 минг тонна чиқиндилар ташлаб юборилади, қайсики уларга термик ишлов берилгандан сўнг, улар ўта муҳим кремнезмли хомашёларга айланади.

Профессор А.М.Эминов томонидан кимёвий таҳлил ёрдамида пиширилмаган, 1350⁰С да пиширилган шolini қайта ишлаш саноати чиқиндисини кимёвий таркиби аниқланган.

Шolini қайта ишлаш саноати кремнеземли чиқиндиси ўта муҳим кремнеземли хомашё сифатида катта амалий қизиқиш уйғотади. Бу чиқиндини электркерамика композицион материаллар ишлаб чиқаришда синовдан ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Диссертациянинг «Маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида стеатитли электрокерамика композицион материалларнинг самарали таркибларини ишлаб чиқиш ва хоссаларини ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобида маҳаллий минерал хом ашёлар ва шolini қайта ишлаш саноат чиқиндиси асосида электрокерамика материалларини таркибларини яратиш, композицияларнинг петрографик, рентгенографик ва электрон-микроскопик таҳлил натижалари ҳамда керамик-технологик ва диэлектрик хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган. Адабиётлардан олинган

хулосалар ва хомашёларнинг кимёвий таркибига асосланиб композиция таркибини аниқладик (2-жадвал).

2-жадвал

Композицион намуналарнинг шихта таркиби


Хомашё номи	Композиция индекси, %								
	КМ ₁	КМ ₂	КМ ₃	КМ ₄	КМ ₅	КМ ₆	КМ ₇	КМ ₈	КМ ₉
Каолин	15	17	20	25	30	20	25	20	20
Тальк	21	22	20	35	30	35	45	50	55
Куйдирилган тальк	58	55	54	35	35	40	25	25	20
Бентонит	3	3	3	2	2	2	2	2	2
Кремнеземли чиқинди	2	2	2	2	2	2	2	2	2
Барий кислотаси (BaCO ₃)	1	1	1	1	1	1	1	1	1

Талькни таркибидаги намлик ҳисобига композицияни пишириш вақтида қисқариш кўпаяди. Пишиш жараёнида композициянинг қисқаришини камайтириш учун, талькни бир қисмини куйдириб олинади. Бунинг учун, талькни 1-2 мм улчовда майдалаб, кейин уни 1350⁰С ҳароратда пиширилади, охириги ҳароратда 30 дақиқа давомида ушлаб турилади. Пишиш ҳароратини пасайтириш учун таркибга барий кислотаси қўшилди. Намуналар лаборатория шароитида пластик (хамир) кўринишида тайёрланди. Кейин намуналар 1200, 1250, 1300, 1350⁰С ҳароратларда пиширилади.


Намуналарнинг фаза таркиби алоҳида аҳамиятга эга, чунки уларни ишлатиш хусусияти шу таркибга боғлиқ. Намуналарнинг фаза таркиби петрографик, электрон-микроскопик ва рентгенграфик анализ методлари ёрдамида аниқланди.

КМ-2 композициясини 1200⁰С ҳароратда пиширилган намунасининг (2 а расм) структураси бир текис эмас, йирик донали, ғовақларга эга. У метатальк (N_g = 1,575; N_p=1,540); кварц (N_e = 1,552; N_o = 1,540); шишасимон фаза ва алоҳида метакаолинит доначаларидан иборат.

1350⁰С ҳароратда пиширилган намуна (2 - расм б) зич, бир текисли, майда кристалл структурага эга, асосан 2-6 мкм ўлчамли магний метасиликат фазасидан ташкил топган. Композиция асосан стеатит, муллит, кристобалит, кварц доначаларидан (N=1,578) ҳамда шишасимон фазадан иборат.



а)



б)

Турли ҳароратларда пиширилган намуналар, ⁰С: а) 1200; б) 1350
3-расм. КМ-2 композиция намуналарининг микрофотографияси


Кристалларнинг янги ҳосилалари шишасимон фазанинг юпқа зирх қатлами билан копланган. Магний метасиликатининг миқдори тахминан 55-61%. Композициянинг асосий қисмида нотўғри бўлакланган кварцнинг доначалари мавжуд, кварц доначалари қалинлиги 8-10 мкм ўлчамли эриган гардиш билан ўралган.

Шундай қилиб, петрографик изланиш натижалари шуни кўрсатдики, намуналарни пиширганда физик-кимёвий жараёнлар содир бўлади, натижада 55-61% миқдорда протоэнстатит кўринишдаги магний метасиликати, муллит ва шишасимон янги кристалл фазалар ҳосил бўлади.

1200 ва 1250⁰С ҳароратларда пиширилган композицион намуналарни электрон-микроскоп ёрдамида текширилди. Бу текшириш натижалари шуни кўрсатдики, стеатитли композицион материалининг КМ-2, КМ-3 массалари пиширилгандан сўнг бир-бирига ўхшаш, майдакристалл структурага эга, асосан магний метасиликати, кварц, муллит кристалл фазалардан ташкил топган. Композицияда кам миқдорда кварц доначалари учрайди.

1200⁰С ҳароратда майда қуринишли кристаллар ҳосил бўлиб, улар блок бўлиб жипслашади, 1250⁰С ҳароратда кристаллар йириклашади, улар думалоқ шаклга эга, аниқ кўринишли агрегат ҳолатга ўтади. Композицияларнинг пишиш ҳарорати кўтарилиб борган сари структура ҳосил бўлиш жараёни тўлиқ тугалланади, магний метасиликати, муллит ҳосил бўлиши жадаллашади, кварцнинг бир қисми кристобалит кўринишга ўтади, шишасимон фаза бу кристалл фазаларни бир-бири билан жипслаштиради.

Маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндиси асосида композицион аралашмаларнинг 1200, 1250, 1300, 1350⁰С ҳароратларда пиширилган композициянинг намуналарини рентгенографик текшируви ўтказилди, КМ-2 композициянинг рентгенограммаси 4-расмда келтирилган.




**4-расм. КМ-2
композиция
намуналарининг
рентгенограммалари**
Намуналарнинг пишиш
ҳарорати: ⁰С: а)1200, б) 1250,
в)1300, г)1350;
□ - протоэнстатит;
◇ - клиноэнстатит;
● - энстатит

Рентгенограммалар таҳлили шуни кўрсатдики, 1200⁰С ҳароратда пиширилган намунада кварц, метатальк, метакаолинитнинг кристалл фазалари мавжуд. 1250⁰С ҳароратда пиширилган намунада магний метасиликати, муллитнинг кристалланиши чўққиларининг пасайганлиги билан характерланади. 1300⁰С ҳароратда пиширилган намуналарда протоэнстатит кўринишдаги магний метасиликати кристалланиши жадаллашади, кристобалит ҳосил бўлиши 1350⁰С ҳароратгача чўққиларнинг жадаллашуви билан характерланади.

Шундай қилиб, маҳаллий хомашёлар ва шолини қайта ишлаш саноатининг кремнеземли чиқиндиси асосида яратилган стеатитли композицияларнинг тузилишида фаза ўзгариши жараёнини рентгенфаза анализ ёрдамида ўрганилди, электрокерамик композицион материалнинг фаза таркибида протоэнстатит, муллит, кварц, кристобалит ва кам микдорда клиноэнстатит ҳосил бўлиши аниқланди.

Электрокерамик материалларининг пишиш жараёни кўпгина факторларга боғлиқ, яъни шихта таркиби, хомашёларнинг кимёвий таркиби, пишиш вақтида содир бўладиган физик-кимёвий жараёнлар, керамик-технологик хоссаларининг характери ва бошқалар.

Стеатитли электрокерамик композицияларининг пишиш жараёни нисбий ўрганилди, яъни керамик-технологик хоссаларининг ўзгариш характери ҳароратга боғлиқ ҳолда ўрганилди, натижалари 5-расмда келтирилган.



5-расм. КМ-2 композициянинг сув ютувчанлиги (1), қисқариши (2), зичлиги (3) ва мустаҳкамлигининг (4) ҳароратга боғлиқлиги

5-расмда келтирилган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, пишиш жараёни иккин босқичда ўтади, бу босқичда ҳосил булган суюқ фаза таркибида эритмани қовушқоқлигини камайтириб, уни ҳаракатчан ва фаол қилувчи ишқорий ва ишқорий-ер оксидларга эга, 1200-1300⁰С ҳарорат оралиғида КМ-2, композицион массанинг зичлиги, мустаҳкамлиги, сувшимувчанлиги, қисқариши ва бошқа хоссаларининг сезиларли даражада ўзгариши кузатилади. 1350⁰С ҳароратдан юқорида эса зичлашиш даражаси камаяди. 1350⁰С ҳароратда зичлигининг камайиши очик ғоваклиликнинг

Ўзгариши билан тушунтирилади, 1350°C гача жадаллашган тарзда янги кристалл фазалар ҳосил бўлиб ва шу ҳароратда бу жараён тугайди. 1350°C ҳароратда эгилишга бўлган мустаҳкамлиги энг юқори кўрсаткичга эга бўлади, бундан юқори ҳароратда эса бу кўрсаткич камаяди, мустаҳкамликнинг энг юқори кўрсаткичлари ғоваклиликнинг ва сув шимувчанликнинг энг паст ҳароратига мос келади. $1300-1350^{\circ}\text{C}$ ҳарорат оралиғида намуналарининг каттик доначалари тўлик эриб суюқ ҳолатга ўтади, унинг миқдори заррачалар орасидаги ғовакни тўлдиришга етади, натижада сувшимувчанлик нолгача пасаяди. Ҳарорат ортиши билан қисқаришнинг ўзгариши бошқа хоссалар ўзгариши каби юз беради. Намуналарда 1350°C гача қисқариш бир текисда ортиб боради, 1350°C дан бошлаб қисқаришнинг камайиш жараёни кузатилади. Олинган натижаларга асосланиб, КМ-2 омехта 1350°C ҳароратда пишади дейишимиз мумкин.

3 ва 4-жадвалда композицион намуналарининг керамик-технологик ва диэлектрик хоссалари келтирилган ва бу жадваллардан кўришиб турибдики, турли таркибли композицияларнинг тажрибавий намуналари ўзининг керамик-технологик ва диэлектрик хоссалари бўйича бир-биридан фарқ қилади ва ГОСТ 24409-80 талабига жавоб беради. Ўзининг зичлиги, мустаҳкамлиги каби кўрсаткичларининг юқорилиги ва сувшимувчанлик кўрсаткичининг пастлиги жиҳатидан, тажрибавий намуналар орасида КМ-1, КМ-2, КМ-3 намуналар ажралиб турибди. Бу намуналарни 1350°C ҳароратда пиширилганда уларнинг керамик-технологик хоссаларининг кўрсаткичи қолган намунавий таркибларга нисбатан анча юқори.

3-жадвал

Композицион намуналарининг керамик-технологик хоссалари

Курсаткичларнинг номи	КМ ₁	КМ ₂	КМ ₃	КМ ₄	КМ ₅	КМ ₆	КМ ₇
Намлик, %	20	21	20	20	21	21	21
Ҳаводаги қисқариш, ($105-110^{\circ}\text{C}$), %	13,0	13,2	13,5	13,6	13,7	13,5	13,7
Оловдан қисқариши, %	9,5	9,7	9,6	9,8	9,8	9,9	10,1
Хажмий оғирлик, г/см ³	2,66	2,65	2,66	2,60	2,61	2,62	2,64
Умумий ғоваклилик, %	6,32	6,32	6,30	6,35	6,8	7,1	7,1
Сув шимувчанлик, %	0,01	0,01	0,01	0,01	0,01	0,01	0,03
Зичлик, г/см ³	2,85	2,86	2,88	2,84	2,81	2,81	2,80
Сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси, МПа	192	190	195	192	190	185	186
ҲЧКК, $\cdot 10^{-6} \text{ }^{\circ}\text{C}^{-1}$	156	154	152	148	158	159	158

Ушбу намуналарнинг ҳароратдан чизиқли кенгайиш коэффиенти ($152-156$) $\cdot 10^{-6} \text{ }^{\circ}\text{C}^{-1}$ оралиқда ўзгаради. Материал таркибидаги тупроқнинг миқдори ортиши билан тажрибавий намуналарнинг диэлектрик йўқотишнинг тангенс бурчаги ошиши тажрибадан аниқланди.

Композицион намуналарининг диэлектрик хоссалари

Курсаткичларнинг номи	Ишлаб чиқилган таркиблар, %						
	КМ1	КМ2	КМ3	КМ4	КМ5	КМ6	КМ7
Диэлектрик йўқотишнинг тангенс бурчаги, $20^{\circ}\text{C}; \cdot 10^4$	20	19	18	21	23	25	25
Диэлектрик сингдировчанлик	6,3	6,2	6,1	6,2	6,5	7,0	7,0
Солиштира хажм электр қаршилиги, $\cdot 10^{13}\text{ом} \cdot \text{см}$	6,8	7	7	6,3	6,1	5,9	6,2
Электр мустаҳкамлик, кв/мм	39	40	41	38	39	40	38

Стеатитли композицион материалларда уларнинг диэлектрик хоссаларини қиздириш ҳарорати ва электр токи частотасининг ўзгаришига боғлиқлиги катта аҳамиятга эга, чунки бу материаллар юқори ҳарорат ва частотада ишлатилади.

Шу муносабат билан, ушбу ишда диэлектрик сингдировчанлик, диэлектрик йўқотишнинг тангенс бурчаги ва солиштира хажм электр қаршилигининг пишиш ҳароратига боғлиқлиги ўрганилди. Стеатитли композицион материалда ҳароратнинг кўтарилиши билан диэлектрик сингдировчанликнинг ортиши, диэлектрик йўқотишнинг тангенс бурчаги 300°C ҳароратгача сезиларсиз ортиб бориши ва яна ҳароратнинг кўтарилиши билан кескин ортиб бориши аниқланди. Буни шундай изоҳлаш мумкин, ҳарорат кўтарилиши билан биринчидан, материал қизийди ва материал ичида кутбланиш ортиб, зарядлар ҳаракатланади, натижада, диэлектрик ичида материалнинг қизиши ва зарядларнинг ҳаракатланиши учун сафланадиган электр энергия миқдори ортади.

Пишиш ҳароратининг кўтарилиши билан солиштира хажм электр қаршилигининг кўрсаткичи камаяди. Электр токи частотасининг ортиши материал хоссасининг ўзгаришига таъсир этади. 0,3-30 мгц диапазонли частотада КМ-2 стеатитли композициянинг диэлектрик сингдировчанлиги (ϵ) ва диэлектрик йўқотишнинг тангенс бурчагининг ($\text{tg}\delta$) электр токи частотасига боғлиқлиги ўрганилди. Ўзгарувчан электр майдонинг 30 кгц частотасида ҳамма намуналарда диэлектрик йўқотишнинг тангенс бурчагининг ва диэлектрик сингдировчанлиги энг кам кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди. 0,3 кгц частотада ҳамма намуналарда диэлектрик йўқотишнинг тангенс бурчагининг ва диэлектрик сингдировчанлиги энг юқори қийматга эга. Диэлектрик йўқотишнинг тангенс бурчагининг ҳароратга боғлиқлик характериға қараб шуни тахмин қилиш мумкинки, шишасимон фаза таркибидаги султ боғланган ишқорий металл ионларининг ҳаракати билан боғлиқ иссиқлик релаксацион жараёни келтириб чиқарадиган йўқотиш билан изоҳланади.

Магний метасиликати, муллит кристалл фазалари текширилаётган материаллар - КМ-2 ва КМ-3 фаза таркибини асосини ташкил этувчи сифатида ионлари зич жойлашмаган кристалл структурали диэлектрикка

